



ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ



БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

THE ONGOING REFORMS TO ENSURE HUMAN RIGHTS IN PENAL INSTITUTIONS



Комрон РИХСИМОВ,
ИИБ Ташкилий
департаменти,
Ахборот-таҳлил
бошқармаси,
Тезкор вазиятни комплекс
таҳлил
қилиш ва прогнозлаштириш
бўлими
бош инспектори
komronrixsimov@bk.ru

Komron RIKHSIMOV,
Chief Inspector of the
Department of Comprehensive
Analysis and Forecasting of the
Emergency
Situation of the Information
and Analysis
Department of the
Organizational Department
of the Ministry of Internal
Affairs

АННОТАЦИЯ. Мақолада озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқларини мазмун-моҳияти, аҳамияти ва зарурати, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда истиқболлари таҳлил этилади. Шунингдек, тергов ҳибсхоналари ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ва маҳкумларни жазони ижро этиш давомида ҳуқуқларини таъминлаш, соҳадаги қийноқларнинг олдини олиш ҳамда тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар ёритилган. Шу билан бирга, Нельсон Мандела қоидалари миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали маҳкумларни ҳуқуқлари кенгайганлиги юзасидан мулоҳазалар билдирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

жазони ижро этиш тизими, тергов, маҳкум, маҳкумлар ҳуқуқлари, Нельсон Мандела қоидалари, омбудсман, видеоконференцалоқа.

ANNOTATION. The article analyzes the essence, importance and necessity of the rights of persons deprived of liberty, its organizational and legal basis and perspectives. Also, the investigative activities carried out in the investigative detention centers and the reforms implemented in connection with ensuring the rights of prisoners during the execution of the sentence, prevention of torture in the field and fundamental improvement of the system are highlighted. At the same time, comments were made regarding the expansion of the rights of prisoners through the implementation of the Nelson Mandela Rules into national legislation.

KEYWORDS: penitentiary system, investigation, prisoner, prisoners' rights, Nelson Mandela rules, ombudsman, video conferencing.



Ўзбекистонда жамият ҳаётининг тобора янгиланиб бораётган даврида Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан жазони ижро этиш тизимида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Бунда кўп йиллар мобайнида жазоловчи, назорат қилувчи тузилма сифатида қаралган ички ишлар тизимини энг аввало халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган идорага айлантириш асосий мақсад этиб белгиланди.

Бу борада, тизим ходимлари томонидан маҳкумлар билан мулоқотни умумэтироф этилган талаблар асосида олиб бориш, ҳар қандай шафқатсизлик ва ғайринсоний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш ҳамда кундалик хизмат фаолиятини "инсон омили" аралашувисиз ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида ва тергов органларининг шахсий қабулларида бевосита жорий жойлашув жойидан иштирок этишини таъминлаш мақсадида суриштирув ва тергов органлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ўртаси-

да видеоконференцалоқа терминаллари билан боғлаш имконияти яратилди.

Хусусан, жазони ижро этиш колониялари ва тергов ҳибсхоналарида шахсларни суд мажлиси ва тергов ҳаракатларида видеоконференцалоқа режимида иштироки учун 56 та махсус хоналар ташкил этилди.

Бу ўз навбатида, мустақил тергов ва суриштирув тизимини шакллантириб, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши

ва айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигини қатъий таъминлаш белгиланган.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан

ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш амалиёти йўлга қўйилди.

Сўнги вақтларда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари доирасини янада кенгайтириш орқали уларни содир этган жиноятдан чин қўнгилдан пушаймон бўлиши ва жамиятнинг муносиб вакили сифатида шакллантиришга эришилмоқда.

Хусусан, маҳкумларга сайлаш ҳуқуқи, пенсия таъминоти ва ижтимоий суғурта олиш, касб эгаллаш, таълим ва сифатли тиббий ёрдам олиш каби ҳуқуқлар берилди.

2019 йилги Парламент сайловларида 3 619 нафар маҳкумлар овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланди ва 2021 йил 24 октябрдаги Президент сайловида 18 та сайлов участкасидан 8 937 нафар маҳкумлар иштирок этди ҳамда манзил-колониялардаги 277 нафар маҳкумларни пенсия олиши таъминланмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил

17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари" (Нельсон Мандела қоидалари) миллий қонунчиликка имплементация қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ-530-сон "Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" қонун қабул қилинди.

Нельсон Мандела қоидаларининг 122 тасидан 108 таси Жиноят-ижроия кодексида, 4 таси Жиноят-процессуал кодексида, 7 таси Президентнинг 2 та қарорида, 2 таси Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарорида ҳамда 1 таси "Ўзбекистон темир йўллари" АК ва ИИВнинг қўшма қарорида ўз ифодасини топди.

Мазкур қоидаларга асосан маҳкумларга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

- маҳкумларга психологик ёрдам олиш ҳуқуқи берилди;

- тиббий ёрдамга муҳтож маҳкумларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштиришга рухсат берилди;

- оғир касалликка чалинган маҳкумларга телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шифокорнинг рухсати билан учрашишга рухсат берилди;

- руҳий ҳолати бузилган вақтда маҳкум томонидан содир этилган тартиббузарлик учун интизомий жазо чоралари қўллаш амалиётини беқор қилиш назарда тутилган.

Ўз навбатида, маҳкумларга қариндошлари билан телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашувлар олиш сони қарийб икки бараварга кўпайтирилди.

Телефон сўзлашувлари умумий тартибда – 6 тадан 12 тага, қаттиқ тартибда – 3 тадан 5 тага, махсус тартибли ва турмада – 2 тадан 4 тага, тарбия колониясида – 12 тадан 24 тага;

Йўқлов (посылка) олиш умумий тартибда – 6 тадан 12 тага, қаттиқда – 4 тадан 8 тага, махсус ва турмада – 3 тадан 6 тага, тарбия колонияда – 6 тадан 12 тага;



Қисқа муддатли учрашувлар умумий тартибда – 4 тадан 6 тага, қаттиқда – 3 тадан 5 тага, махсус ва турмада – 2 тадан 4 тага, тарбия колонияда – 6 тадан 24 тага;

Узоқ муддатли учрашувлар умумий тартибда – 4 тадан 6 тага, қаттиқда – 3 тадан 5 тага, махсус ва турмада – 2 тадан 4 тага, тарбия колонияда – 6 тадан 8 тага кўпайтирилди.

Шунингдек, тергов ҳибсхоналари ва ёпиқ турдаги колонияларда адвокатлар учун алоҳида 69 та хоналар ташкил этилиб, Омбудсман ва Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳеч қандай монеликсиз кириш учун шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, 2021 йил 14 июнь куни Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда Омбудсман уртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Бундан ташқари, 2021 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ҳамда 2021 йил 21 июнда Ўзбекистон психологлар ассоциацияси ўрталарида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Барча жазони ижро этиш колонияларида "Омбудсман"га, "Прокурор"га, "Ариза ва шикоятлар"га мулжалланган алоҳида қутилар ўрнатилиб, ушбу қутилар мутасадди идора масъул ходими томонидан муҳрланиб очилиши йўлга қўйилди.



**2021 йил
25 майда
Ўзбекистон
Республикаси
Нотариал
палатаси
ҳамда 2021
йил 21 июнда
Ўзбекистон
психологлар
ассоциацияси
ўрталарида
ҳамкорлик
меморандумлари
имзоланди.**



Жазони ижро этиш соҳаси такомиллаштирилиб, Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил этилди.

Барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти бўйсунувига ўтказилди.

Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этилган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Ўтган давр мобайнида жазони ижро этиш муассасаларига 3 803 та видеокузатув мосламалари ва 11 та тергов ҳибсхонасининг тергов ҳаракатларни ўтказиш хоналарида 296 та овоз ёзиш имкониятига эга бўлган видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

Маҳкумларни сақлаш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш

ва маҳкумлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган тартиббузарликларни барвақт аниқлаш имконини берувчи 12 та интеллектуал смарт камералар харид қилинди.

Шу билан бирга, 31 та жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар

ва уларнинг яқин қариндошлари билан масофадан туриб видеоучрашув хоналари ташкил этилди.

Маҳкумлар устидан назорат олиб бориш ҳамда тартиббузарлик

ва салбий ҳолатлар содир этилиши олдини олиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида “сектор тизими” жорий этилиб, муассаса ҳудуди 5 та секторга бўлиниб ҳар бир секторга колония бошлиғи ва унинг ўринбосарлари раҳбар этиб белгиланди.

Маҳкумларнинг яқин қариндошларига қулай шароит яратиш мақсадида Жазони ижро этиш департаментнинг расмий веб-сайти яратилди.

Маҳкумларнинг жазони ўташ жараёнида юзага келадиган саволлари, муаммолари, таклифлари бўйича мурожаат қилишлари учун жазони ижро этиш муассасаларида сайёр қабул ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиб, 8 823 та сайёр қабуллар ўтказилиб, улардан 115 503 та мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг 73 135 таси ижобий ҳал этилди, 26 795 тасига тушунтириш берилди, 6 645 таси рад этилди, 8 928 таси ижроси таъминланмоқда.

Жазони ижро этиш колонияларда сақланаётган ногирон маҳкумлар учун зинапояларга пандуслар ўрнатилди, ногиронлар арачаси, қўлтиқтаёқ ва ҳассалар ажратилди, ҳожатхоналарда ногиронлар учун махсус мўлжалланган чашагенлар ўрнатилди, ювиниш хоналари қайта жиҳозланди.

2021 йил давомида тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасаларининг 1 214 нафар ходимларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, жазони ижро этиш тизимида бўлаётган ислохотларнинг барчаси маҳкумларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Маҳкумларни содир этган жиноий қилмишидан пушаймонлик ҳисини шакллантиришда оила аъзоларидан фойдаланиш, маҳкумларни телефон сўзлашувлари, узоқ ва қисқа муддатли учрашувлари сони икки баробарга кўпайиши ҳамда колонияларни камералаштирилиши аҳолини давлат органларига бўлган ишончини янада ошишига хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/ REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни // Ўзбекистон Республикаси 78 қонун ҳужжатлари тўплами.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (2020 йил 30 июнь) Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006 сонли (2018 йил 7 ноябрь) Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ-530-сон “Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни.

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари” резолюцияси.

7. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда Омбудсман ўртасида ҳамкорлик меморандуми (2021 йил 14 июнь).

8. Бакаева Ф. ва бошқалар. Маҳкумлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий стандартлар. – Т.: 2011.

9. Шамансуров А. Проблемы совершенствования законодательства системы исполнения наказаний: теория и практика. –Т.: 2011.

10. Овсянникова А., Россман Э. Пенитенциарные системы и пенитенциарные реформы в зарубежных странах. Аналитический обзор. Москва, 2017.